

Азимова Ситора Юсуфжоновна

“Архитектура ва қурилиш” факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича

декан ўринбосари

Жиззах политехника институти

МАЪНАВИЯТ – ИНСОННИНГ УЛҒАЙИШ ВА КУЧ-ҚУДРАТ

МАНБАИДИР

Аннотация: Мазкур мақолада “маънавият” ҳақида, унинг маъно-мазмунни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳамда “маънавият” ўзини, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб бериш борасида. сўз боради.

Калит сўзлар: “Маънавият”, таълим, тарбия, мутафаккир, муқаддас китоблар, қадриятлар, ахлоқий қарашлар, дунёқараш, одамийлик, меҳр.

Azimova Sitora Yusufjonovna

“Architecture and construction” faculty, deputy dean for work with

youth

Jizzakh Polytechnic Institute

SPIRITUALITY IS A SOURCE OF HUMAN GROWTH AND

STRENGTH

Annotation: This article is about "spirituality", about its meaning, meaning, role and importance in our life, and about giving a clear and concise answer to the question of what "spirituality" is. the word goes.

Keywords: " spirituality", education, upbringing, thinker, holy books, values, moral views, worldview, humanity, kindness.

Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун

ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бири-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда бу мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий рисоалар, ўқув кўлланмалари, луғатларда «маънавият» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар берилаётганини кузатиш мумкин. Мен бу борадаги фикрларни инкор этмаган ҳолда, «маънавият» ту-шунчасининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди, деб ўйлайман. Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутади.

Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Албатта, бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша бар-қарор бўлиб келади.

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас. Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади. Агарки эътибор берсак, тилимизда ҳалоллик ва нопоклик ҳақидаги ибратли

ҳикматлар билан бирга, «Йўлини топибдими, қандини урсин», «Узумини енг-у, боғини суриштирманг» деган мақоллар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бундай мақол-маталлар бежиз пайдо бўлмаган, улар ҳам маълум бир ҳақиқатнинг ифодаси. Бинобарин, биз ҳаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган кишилар ҳам борлигини инкор этолмаймиз. Лекин, бизнинг назаримизда, бундай гаплар одамнинг бойлик ва мол-дунёни қандай йўллар билан топаётганига лоқайд ва бепарво қарайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўқиб чиқарилгандек туюлади. Уларнинг фикрича, инсон ўз бойлигини пешона тери тўқиб, Оллоҳ берган ақл-идрок ва тафаккурини ишлатиб топяптими ёки қинғир-қийшиқ, ҳаром-хариш йўллар билан орттиряптими – бу гўёки ҳеч кимни қизиқтирмаслиги керак.

Лўнда қилиб айтганда, бу ўринда гап бир-бирига қарама-қарши бўлган, бир-бирини инкор қиладиган икки хил ҳаётий қараш ҳақида бормокда.

Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар.

Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни, ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою-ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари. Ҳаёт моҳиятини англаб етишга ўз умри, билим ва салоҳиятини бағишлаган не-не буюк зотлар, мутафаккир файласуфлар, аллома ва азиз-авлиёлар – миллати, тили ва динидан қатъи назар – шу каби мураккаб муаммоларга жавоб топиш учун изланган, бу мавзуда қанча-қанча асарлар яратган. Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият

- инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавийсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳроқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди.

Ўйлаймизки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавийтни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний кадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Synergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
2. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
3. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
4. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
5. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
6. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
7. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
8. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.

9. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
10. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
11. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). Reforms in the judicial system as a topical direction in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 177-182.
12. Tursunmuratovich, A. J., & Abdurashidovich, T. M. (2021). Ensuring the rule of law-as an urgent direction in the appeal. *International Journal of Discourse on Innovation, Integration and Education*, 2(2), 164-169.
13. Kulmatov, P. M., & Tajibayev, M. A. (2021). Interaction of moral, aesthetic and ecological education. *Scientific progress*, 2(1), 1149-1154.
14. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). International peace as a universal value. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 1(02), 73-78.
15. Tajibaev, M. A., & Akhmedov, J. T. (2021). The young spiritual-moral of the global network effects on education. *Scientific progress*, 1(5), 708-711.
16. Axmedov, J. T., & Tajibayev, M. A. (2021). Young people from different information attacks care is a requirement of the time. *Scientific progress*, 2(5), 549-553.
17. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
18. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.